



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ
Кузатув Кенгаши Раиси

_____ А.Р. Мирджураев

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ
Кузатув Кенгаши баённомаси
№ 24 от 25.11.2016 г.

**2017 йил учун
"UNIVERSAL SUG`URTA"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**

БИЗНЕС - РЕЖАСИ

Тошкент 2016

МУНДАРИЖА:

- 1. «Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот**
- 2. Суғурта бозори таҳлили**
- 3. 2016 йил 9 ойлиги якунлари бўйича Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни**
- 4. 2016 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот**
- 5. 2017 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси**
- 6. 2017 йил учун молия режаси**

«Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот

1. Компания номи.

**«Universal Sug`urta» Акциядорлик жамияти, қисқача номланиши
«Universal Sug`urta» АЖ.**

2. Мулкчилик шакли:

Акциядорлик жамияти

3. Жойлашган ери ва банк маълумотлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100077 Тошкент ш., Буюк Ипак йули кўчаси 218-220 уй

**Банк маълумотлари: x/в 2021 6000 5001 2295 3001 «Универсалбанк» ХАТБ
Тошкент филиали**

4. Солиқ органи номи ва СТИР:

**Тошкент шаҳри Мирзо-Улугбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси
СТИР 200 811 765**

5. Давлат рўйхатидан ўтган рақам ва санаси ва Жамиятни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказган орган:

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги:

2003 йил 24 июл 189-сон билан.

2007 йил 19 ноябрь 189-сон билан.- Уставнинг янги таҳририни рўйхатдан ўтказиш;

2008 йил 14 январь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2008 йил 2 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2009 йил 30 июль 254-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2009 йил 16 декабря 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2009 йил 30 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2011 йил 13 июль 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2012 йил 20 июнь 189-сон билан. – Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2014 йил 26 май 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2014 йил 25 июнь 189-сон билан - Уставнинг янги таҳририни рўйхатдан ўтказиш;

2014 йил 26 сентябрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2015 йил 11 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг сұғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия

30.12.2015 йилда СФ № 00210-рақам билан берилған

7. Шакллантирилған усав фондининг микдори 9 500 660 000 сүмни ташкил этади (3 9 млн.евро эквивалентида).
8. Молиявий барқарорлик рейтинги:
«uzA+» - «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан берилған молиявий барқарорликнинг энг юқори даражаси

Сұғурта бозорини таҳлили

2016 йилнинг 9-ойлик якунлари бўйича сұғурталовчилар томонидан 500,12 млрд. сўм микдорида сұғурта мукофоти йифилған бўлиб, ўтган йил кўрсаткичларига нисбатан 125,5 фоиз ўсганини кўрсатади. Хусусан:

- ихтиёрий турдаги сұғурта бўйича мукофот - 344,31 млрд.сўм - 145 %га ўсиш
- мажбурий турдаги сұғурта бўйича мукофот - 155,8 млрд.сўм – 116%га ўсиш

Шу билан бир қаторда, 2016 йил 9 ойлиги якунлари бўйича сұғуртанинг барча турлари бўйича сұғурталовчилар томонидан амалга оширилған сұғурта тўловлари суммаси умумий қиймати 94,47 млрд сўмни ташкил этади, бу эса ўз навбатида 2015 йил натижасига нисбатан 131% фоиз ўсишни намойиш этади, хусусан:

- ихтиёрий турдаги сұғурта бўйича – 61,96 млрд.сўм - 155 %га ўсиш
- мажбурий турдаги сұғурта бўйича - 32,52 млрд.сўм – 100%га ўсиш

2016 йил 9-ойлик якунлари бўйича сұғурта тўловларининг ҳажми динамикаси (ўзгариш суръати) сұғурта тўловларининг ўсиш суръати сұғурта мукофотини йифими суръатидан юқорилигини кўрсатади.

2016 йилда сұғурта тўловларининг ўсиши ихтиёрий сұғурта бўйича тўловларни ўсишиҳисобига тўғри келади.

Шу билан бирга, сұғурта мукофотлари заарлилик даражаси 18,8% ни ташкил этганлигини, бу эса ўтган йил кўрсаткичларидан пастлигини ва ҳорижий давлатлар бозорига нисбатан паст даражада қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Компаниянинг сұғурта бозоридаги ўрни

2016 йил 9 ойлиги якунлари бўйича «Universal Sugurta» АЖ сұғурта мукофоти йифими 9142,6 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, сұғурта бозоридаги сұғурта мукофотлари умумий ҳажмининг 1.82 %ига тўғри келади ва бозорда 15 ўринни эгаллайди (прогноз бўйича 2016 йилда Компаниянинг сұғурта мукофоти йифими 12 000 млн.сўм атрофида кўзда тутилган).

Дастлабки натижаларга кўра, «Universal Sugurta» АЖ ўтган йил натижалари билан

таққослаганда, сұғурта мұкофоти йиғими бўйича тахминан 28%га ўсганлигини кўрсатган.

2016 йил 9 ойлиги якунлари бўйича сұғурта тўловлари ҳажми 943,4 млн.сўмни ташкил этиб, бу бозордаги сұғурта тўловлари ҳажмининг 0,99% и демақдир, зааралилик даражаси эса 10,31%ни ташкил этган (бозор бўйича зааралилик даражаси 18,8%ни кўрсатган). Йил натижаси бўйича тахминий зааралилик 10,31% даражасида бўлиши мумкин.

2016 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот

Жорий йилнинг 11 ойи давомида бизнес-режада белгиланган мақсадларга мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. 2016 йил 9 ойи давомида 9142,6 млн.сўм миқдоридаги сұғурта мұкофоти йиғилган бўлиб, бу кўрсаткич йилнинг якунига бориб тахминан 12.1 млрд.сўмни ташкил этиши мумкин, бу эса 2016 йил учун белгиланган режанинг тахминан 98,9% ёки бўлмаса ўтган йилдаги йиғимдан 28% кўп демақдир. (2015 йилда 9 409 млн.сўм миқдорида мұкофот йиғилган).
2. Харажатларни мақбуллаштириш мақсадида рентабеллик кўрсаткичи жуда паст булган баъзи бўлимларнинг фаолияти тўхтатилган.
3. Компаниянинг моддий-техник базасини яхшилаш асосий воситаларни харид қилиш ҳисобига амалга оширилди.
4. Компаниянинг устав фондини ошириш бўйича ишлар амалга оширилиб, у йилнинг охириги қадар 12 505 млн.сўмга етади.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йилдаги ПҚ-2454-сонли қарорига мувофиқ, Компаниянинг акциядорлар таркибиға ҳорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.

2017 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси

2017 йилда Компания фаолиятининг асосий йуналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

1. Сұғурта мұкофотининг тахминий йиғими 15 ,8 млрд.сўм миқдорида бўлиши.
2. Янги бўлимларни очиш ва сотиш бўйича бўлинмаларнинг ишчиларининг миқдорий ва профессионал таркибини ошириш йўли билан Компаниянинг минтақавий тармоқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
3. Компаниянинг сотиш бўйича бўлинмалари ва маъмурий- бошқарув таркиби ишчиларини рағбатлантирувчи тизимларини такомиллаштириш (узоқ муддатли

ҳаёт сұғуртаси шартномаларини тузган ҳолда ишчиларнинг ижтимоий күллаб-куватлашни белгилаш).

4. Қўшимча янги оргтехникаларни харид қилиш, эскирганларини алмаштириш, ва керакли жиҳозлар ва автотранспорт воситаларини харид қилиш йўли билан Компаниянинг, шу билан бирга унинг минтақавий филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.
5. Сотувларни ошириш мақсадида минтақавий филиаллар таркибида янги бўлимларни очиш.
6. Компанияни танитиш, янги мижозларни жалб қилиш ва янги сұғурта хизматларини таклиф қилиш мақсадида реклама акциясини амалга ошириш.
7. Дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва татбиқ этиш йўли билан Компаниянинг ҳисоб ва ҳисботлар тизимини мақбуллаштириш. Шу мақсаддага тахминан 800 млн.сўм микдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган

2017 йил учун тахминий молиявий кўрсаткичлар

1. Асосий фаолият бўйича даромадлар прогнози

2017 йил учун белгиланган режаларга мувофиқ, сұғурта мукофотлари йиғими тахминан 15,8 млрд.сўм микдорида бўлади .

2. Компаниянинг инвестиция фаолиятидан олинадиган даромади прогнози

Компания ўзининг инвестиция фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Сұғурталовчилар ва қайта сұғурталовчиларнинг тўлов қобилияти туғрисида”ги, “Сұғурталовчи ва қайта сұғурталовчининг инвестиция фаолияти туғрисида”ги, “Сұғурталовчиларнинг сұғурта захиралари туғрисида”ги Низомларига – сұғурта ташкилотларинг инвестиция фаолиятига қўйилган талабларга мувофиқ амалга оширади. Компания тахминан 1.5 млрд.сўм микдорида инвестициялардан даромад олишни мақсад қилиб қўйган.

3. Компаниянинг харажатлари прогнози

Компаниянинг маъмурий ва бошқа операцион харажатлари

2017 йил учун Компаниянинг операцион харажатлари прогнози 2016 йил 9-ойлик ишлар яқуни бўйича жорий харажатлар таҳлилига асосланади. Дастраски ҳисоб-китобларга кўра, солиқ ва бюджетга тўловларни инобтга олган ҳолда Компаниянинг опрецион харажати тахминан 7.96 млрд..сўмни ташкил этади.

Компаниянинг юқорида келтирилган даромал ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда 2017 йилдаги тахминий фойдаси 1.0 млрд.сўмни ташкил этади.